

## Пудрат шартномаси

№ 26-сон

2022 йил 28 сентябрь

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Олтиариқ тумани тиббиёт бирлашмаси номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиги Ш.Ю.Бузруков бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "Азимжон Азизбек савдо барака"МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари А.А.Сайфиддинов иккинчи томондан, Олтиариқ тумани тиббиёт бирлашмаси ҳудудида жойлашган хожатхонани жорий таъмирлаш учун давлат харидлари порталида Энг яхши таклифни танлаб олиш усули билан комиссия аъзоларининг 2022 йил 23 сентябрь кундаги баённомасига доир мазкур пудрат шартномасини тuzдилар.

### 1. Таърифлар

#### 1.Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

**"ижро ҳужжатлари":** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**"қурилиш майдони":** Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

**"вақтинчалик ишлар":** Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**"беркитилган ишлар":**- сифати ва яқунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартномани нархини бўлиб чиқиш:** ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига лойиха-смета ва экспертиза ҳулосасига келишилган муддатларга асосан **"Тиббиёт бирлашмасига қарашли биносини жорий таъмирлаш"** ишларини бажариш ажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома " " сентябр 2022 йилдаги 148547 лот га асосан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ККС ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **98 100000 (Тўқсон саккиз миллион бир юз минг) сўми** ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

-қурилиш қиймати ва қўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

-ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

-объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:  
- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга **"1а"** иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камидан 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- **"1"** иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш оморга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

-объектда тасдиқланган лойихага мувофиқ қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;

- қурилиш таваккалчилигини сўғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник ҳафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулк жавоб беради.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
  - ишлар бажарилиши устидан доимий йўл қурилиш сифати техник назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қабул қилиб олишни таъминлаш;
  - молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига "16" иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
  - мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
  - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **VI. Ишларни бажариш муддати**

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб: кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:
11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва аниқланган муддатда ишларни тўлиқ яқунлайди.
12. Қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **30 кунни ташкил этади.** (бажариш графигига асосан)
13. Мазкур шартнома бўйича ишларнинг муддати ҳамда бажариладиган ишлар, ишларни бажариш жадвалига (1а-илова) мувофиқ амалга оширилади.

#### **VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдорига, аванс ўтказилади.
15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (16-илова)
16. Буюртмачи ва Пудратчи ҳар ойда бажарилган ишларини "Маълумотнома-ҳисоб-фактура"га асосан молиялаштирилади. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 70 % гача доирасида амалга оширилади.
17. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорига, амалга оширилади:
18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.
19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### **VIII. Ишларни бажариш**

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади. Аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича барча чораларини кўради, мунтазам равишда олиб борилаётган ишлар юзасидан Буюртмачи маъсул ходимларини ёзма равишда хабардор қилиб боради.
21. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўлиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
22. Пудратчи Техник кузатувчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.
23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.
25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.
26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан курилишда қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва курилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёриги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг курилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келтирилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

#### **IX. Ишларини қўриқлаш**

39. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллагунча ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган курилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинова иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **XI. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

44. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## ХII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан курилиш учун қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар курилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш курилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## ХIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қўра тугалланмаган курилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## ХV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида илмаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30% фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5% фоиз миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги керак.

Пудратчи бажариш графигида 2021 йил учун белгиланган иш ҳажми қийматининг бажармаган қисмидан Буюртмачига 1 фоиз миқдориди жарима тўлайди.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, ишчиҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20% фоизи миқдориди ундириш ҳуқуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

#### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### XVI. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдобўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусxada тузилди.

72. Мазкур шартнома 31.12.2022 йилгача амал қилади.

Буюртмачи:

Пудратчи:

Олтиариқ тумани тиббиёт округи  
Олтиариқ ТТБ  
Олтиариқ тум. Ўзбекистон к-си, 3-уй.

ИНН: 200174744 Тел: 432-17-46

ШХР  
Марказий банк тошкент  
Марказий банк Тошкент ш. У. Ю. Бузруков  
МФО: 00014 ИНН: 200174744


Номи: "Азимжон Азизбек савдо барақа" МЧЖ


Манзили: Олтиариқ У.Юсупов

X/P: 20208000905114161001 МФО: 01131

Банк: Универсалбанк Фаргона филиали

ИНН: 306655629 ҚҚС: 330120130001

Бошлик:  Ш.Ю.Бузруков

 А. Сайфиддинова



**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 148547 на приобретение Олтиариқ тумани тиббиёт бирлашмаси биносини (хожатхона) жорий таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 23.09.2022

Время рассмотрения 22.09.2022 17:13

Закупочная комиссия Тиббиёт бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	MAVLANOV RAVSHANBEK GULOMOVICH	ўринбосар	комиссия азоси
<b>Секретарь комиссии</b>	UMARALIYEV QODIRJON RAXMATALI O'G'LI	инженер	тиббиёт
<b>Член комиссии</b>	TURG'UNOV ABDUMO'MIN RAVSHAN O'G'LI	секретар абдимумин	тиббиёт
<b>Член комиссии</b>	BOYNAZAROV URINBOY KAXRAMONOVICH	хиссобчи	тиббиёт
<b>Член комиссии</b>	BOVGANOV ALIJON RAXMONOVICH	бош хиссобчи	бош хиссобчи
<b>Член комиссии</b>	NISHONOV ZINOBIDIN NURMAMATOVICH	хиссобчи	тиббиёт

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 23.09.2022 года № лота 148547.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту нежилых зданий</b>
Подробное описание	Тиббийт бирлашмасига қарашли хожатхона биносини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	98 119 726.00
Стартовая сумма	98 119 726.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчиларнинг қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлмаслиги ва солиқ органларидан “Қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида” маълумотномаси бўлиши

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
AZIMJON AZIZBEK SAVDO BARAKA MCHJ	10	98100000	10	Экспертная		
"FERGHANA CONSTRUCTION DESIGN" MCHJ	10	98119726	0	Экспертная		
JAMSHID OBOD QURILISH XK	10	89000000	10	Экспертная		
ЧП FAYZIOBOD QURILISH OBOD	10	Ишчи ходимлар хакида маълумот	0	Экспертная		

Критерий №2 маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Махсулот етказиб берувчининг банк хисоб варақларида ҳеч қандай қарздорликлари йуқлиги хакида маълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
AZIMJON AZIZBEK SAVDO BARAKA MCHJ	10	98100000	10	Экспертная		
"FERGHANA CONSTRUCTION DESIGN" MCHJ	10	98119726	0	Экспертная		
JAMSHID OBOD QURILISH XK	10	89000000	5	Экспертная		
ЧП FAYZIOBOD QURILISH OBOD	10	Баланс	0	Экспертная		

Критерий №3 маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчида моддий техника базаси хизмат курсатиш учун техникаси булиши шарт

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
AZIMJON AZIZBEK SAVDO BARAKA MCHJ	10	98100000	10	Экспертная		
"FERGHANA CONSTRUCTION DESIGN" MCHJ	10	98119726	0	Экспертная		
JAMSHID OBOD QURILISH XK	10	89000000	10	Экспертная		
ЧП FAYZIOBOD QURILISH OBOD	10	Машина механизмлар	10	Экспертная		

нка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
JAMSHID OBOD QURILISH XK	98 119 726.00	89 000 000.00 UZS	89 000 000.00	00.00	89 000 000.00	16.09.2022 10:10:49	20
AZIMJON AZIZBEK SAVDO BARAKA MCHJ	98 119 726.00	98 100 000.00 UZS	98 100 000.00	00.00	98 100 000.00	14.09.2022 16:14:19	18.14475

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ЧП FAYZIOBOD QURILISH OBOD	Не прошел	Не прошел	Не прошел
"FERGHANA CONSTRUCTION DESIGN" MCHJ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
JAMSHID OBOD QURILISH XK	66.6664	20	86.6664
AZIMJON AZIZBEK SAVDO BARAKA MCHJ	80	18.14475	98.14475

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 148547 от 23.09.2022 года на приобретение Олтиариқ тумани тиббиёт бирлашмаси биносини (хожатхона) жорий таъмирлаш определила победителем:

AZIMJON AZIZBEK SAVDO BARAKA MCHJ  
306655629

и резервный исполнитель: JAMSHID OBOD QURILISH XK (302450364)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	MAVLANOV RAVSHANBEK GULOMOVICH	Согласен	
Член комиссии	BOYNAZAROV URINBOY KAXRAMONOVICH	Согласен	
Член комиссии	BOVGANOV ALIJON RAXMONOVICH	Согласен	
Член комиссии	NISHONOV ZINOBIDIN NURMAMATOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



«Гасдиклайман»  
Олтиарик туман тиббиёт  
бирлашмаси бошлиги  
Ш.Ю.Бузруков

2022-йил "28" Сентябр

Олтиарик тумани тиббиёт бирлашмаси томонидан Энг яхши таклифни танлаш учун комиссия лот № 148547 23.09.2022 танлов асосида утказиш буйича йигилиши.

**БАЁНИ № 4**

Комиссия раиси:  
Комиссия аъзолари  
бошлиқ ўринбосари  
Бош ҳисобчи:  
Мухандис  
Бош фельдшер:

Р.Г.Мавлонов  
У.Бойназаров  
Б.Убайдуллаев  
К.Умаралиев  
З.Нишонов

**Кун тартибидаги масала**

Олтиарик туман тиббиёт бирлашмаси томонидан Ўзбекистон республикаси 2021 йил 22 апрелдаги Давалат харидлари тугрисидаги 684 сонли қонунининг 61 модда 7 абзасига асосан соддалаштирилган танлов асосида Олтиарик туман тиббиёт бирлашмаси ва унга тегишли бинони таъмирлаш учун хизмат курсатувчи корхоналардан сўровга асосан электрон энг яхши таклифлардан қуйида курсатиб утилаган корхоналардан тижорат тақиқлари келиб тушди камиссия аъзолари шахсий қулуч орқали баҳолаш орқали қуйидаги натижалар маълум бўлди.

Товар (иш хизмат номи)	Улчов бирлиги	JAMSHID OBOD QURILISH XK	"FERGHANA CONSTRUCTION DESIGN" MCHJ	Азимжон Азизбек савдо барака"МЧЖ	ЧП FAYZIOBOD QURILISH OBOD
Олтиарик тумани ТТБ марказий Биносини жорий таъмирлаш учун	Балда	86.	0	98.	10

Ушбу таклифлардаги хизматлари комиссия аъзолари томонидан такқослаб қўрилганда 2022-йил учун Олтиарик туман тиббиёт бирлашмасига марказий жойлашган бинони жорий таъмирлаш учун сифатли ва яхши хизмат қўрсатиш мақсадида биз сўраган таклифлардан чиқмаган ҳолда таклиф берган « АЗИМЖОН АЗИЗБЕК САВДО БАРАКА » МЧЖ қолиб деб топилди. Икки қуллик муҳокамага жойлаштирилди ва ҳеч қандай шикоят ва таклифлар келиб тушмади.

**Юқоридагиларга асосланиб комиссия қуйидагича қарорга келди:**

1. « АЗИМЖОН АЗИЗБЕК САВДО БАРАКА » МЧЖ томонидан Олтиарик туман тиббиёт бирлашмасига марказида жойлашган биносини жорий таъмирлаш ишларини сифатли ва смета ҳужжатлари асосида яхши хизмат қўрсатиш учун шартнома тузишга бир овоздан маъқул деб топилсин.

Танлов комиссия аъзолари

Комиссия раиси:

Р,Г,Мавлонов

Комиссия аъзолари

Бош ҳисобчи:

Б.Убайдуллаев

Мухандис

К.Умаралиев

бошлиқ ўринбосари :

У.Бойназаров

Катта фелшир:

З.Нишонов

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

№ ZD8006864534

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi:**

Oltiariq tumani Tibbiyot birlashmasi va “Azimjon Azizbek Savdo Baraka” mas’uliyati cheklangan jamiyati o’rtasida ishlab chiqilgan pudrat shartnomasi.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**

Shartnoma loyihasi Tibbiyot birlashmasi va “Azimjon Azizbek Savdo Baraka” mas’uliyati cheklangan jamiyati o’rtasida ishlab chiqilgan va Oltiariq tumani yuridik xizmat ko’rsatish markaziga huquqiy ekspertizadan o’tkazish uchun kiritilgan.

**Huquqiy xulosa:**

Fuqarolik kodeksining 353-moddasida shartnoma tushunchasi ta’rifi berilgan bo’lib unga ko’ra ikki yoki bir necha shaxsning fuqarolik huquqlari va burchlarini vujudga keltirish, o’zgartirish yoki bekor qilish haqidagi kelishuvi **shartnoma** deyiladi.

Shartnomalarga ikki va ko’p taraflama bitimlar to’g’risidagi qoidalar qo’llanilishi belgilangan.

Mazkur kodeksining 354-moddasida shartnoma tuzishda fuqarolar va yuridik shaxslar erkinligi hamda shartnoma tuzishga majbur qilishga yo’l qo’yilmasligi qayd etilgan. Taraflar qonunchilikda nazarda tutilmagan shartnomani ham tuzishlari mumkin.

Shuningdek mazkur kodeksning 357-moddasida shartnoma tuzilgan paytidan boshlab kuchga kirishi va taraflar uchun majburiy bo’lishi belgilangan.

Shu bilan birga taraflar o’zlari tuzgan shartnomaning shartlarini ularning shartnoma tuzishidan oldin vujudga kelgan munosabatlariga nisbatan qo’llaniladi deb belgilab qo’yishga haqlidirlar.

Qonunda yoki shartnomada shartnomaning amal qilish muddati tugashi taraflarning shartnoma bo’yicha majburiyatlari bekor bo’lishiga olib keladi, deb belgilanishi mumkin.

Bunday shart yozib qo’yilmagan shartnoma taraflar majburiyatni bajarishining shartnomada belgilab qo’yilgan oxirgi muddatigacha amal qiladi, deb hisoblanadi.

Shartnomaning amal qilish muddati tugashi taraflarni uni buzganlik uchun javobgarlikdan ozod qilmaydi.

Shartnoma loyihasi O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi va “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to’g’risida”gi qonun

talablariga muvofiq va uni tasdiqlab, ijroga qaratish mumkinligi haqida ijobiy xulosa beraman.

**Oltiariq tumani yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti**



**A.Parmonov**